
Оғир ижтимоий ҳолатдаги ҳудуд дея белгиланган маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланади

Ўзбекистон туманида оғир ижтимоий ҳолатдаги ҳудуд дея белгиланган маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш чоралари давом этмоқда.

Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан мазкур ҳудудларда қатор ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан бугун, ана шундай ҳудудлардан бири, Хотамтой маҳалласининг Омад кўчасига ҳокимлик қўмагида 250 метр масофага етадиган шағал тўкилди.



Фуқаролар йиғинининг яна бир қатор кўчаларини шу каби шағаллаштириш ҳамда бошқа ободонлаштириш ишлари эртага ва келгусида ҳам давом этади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-06-10 19:22:11